Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 11 (462) 2021 йил 12 февраль, жума

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## САМАРҚАНДНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 февраль куни Самарқанднинг туризм салоҳиятини, шу жумладан, зиёрат туризмини ривожлантиришга доир тақдимот билан танишди.

Жорий йил 9 февраль куни давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Унда туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, сайёҳларга мақбул шароитлар яратиш мақсадлари белгиланди.

Бу борада Самарқанднинг салоҳияти жуда юқори. Шу боис мазкур вилоятда туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича комплекс ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Самарқанд туманида туристик марказ ташкил этилмоқда. Бу сўлим масканда 8 та замонавий меҳмонхона, йирик анжуманлар зали, ресторанлар, боғ ва сайилгоҳлар бўлади.

Ушбу туристик марказни Самарқанд халқаро аэропорти, темир йўл вокзали, Имом Бухорий мақбараси, Регистон майдони ва бошқа диққатга сазовор жойлар билан боғлайдиган кўчалар таъмирланмоқда.

Самарқанд шаҳрининг туризм салоҳиятини ривожлантириш мақсадида 10 та янги меҳмонхона барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари тақдимот билан танишиб, транспорт, йўл ва коммуникация тармоқларини ривожлантириш, Самарқанд шаҳрини ободонлаштириш, савдо ва хизматларни кенгайтириш бўйича топшириқлар берди.

**ЎзА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги "Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–6096-сон Фармонига мувофиқ ҳамда иқтисодиётга хусусий инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш мақсадида:

1. Халқаро консалтинг, аудиторлик ва инвестиция маслаҳатчилари, инвестиция банклари ва бошқа ихтисослашган компанияларни (кейинги ўринларда – профессионал ташкилотлар) жалб этган ҳолда давлат активларини хусусийлаштиришнинг замонавий усулларини жорий этиш амалиёти бошланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ мазкур Фармоннинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган давлат активларини оммавий савдоларга қўйишда ва уларни сотиш жараёнларини ташкил этишда:

профессионал ташкилотларни жалб этиш Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки "UzAssets" инвестиция компанияси томонидан энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида амалга оширилади. Бунда, улар билан тузиладиган шартномаларни экспертизадан ўтказиш талаб этилмайди;

**профессионал ташкилотлар томонидан** давлат активларини сотиш мақсадида **аниқланган қиймат ёки қийматлар оралиғи** (баҳолаш фаолиятининг миллий стандарти талабларидан қатъи назар) савдо жараёнида **мўлжал сифатида ҳисобга олинишига рухсат берилади;**

баҳолаш ташкилотининг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботида тавсия этилган ва унинг экспертиза хулосасида аниқланган нархни **давлат активининг бошланғич нархи сифатида мажбурий белгилаш тўғрисидаги талаб амал қилмайди;**

**Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси**га давлат активларининг **бошланғич нархини эълон қилмаган ҳолда** сотиш тўғрисида эълонлар бериш ҳамда **2 тадан кам бўлмаган** таклифлар орасида энг яхшиси асосида сотиш бўйича қарорлар қабул қилиш ваколати берилади (баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда тавсия этилган ва экспертиза хулосасида аниқланган нархдан қатъи назар).

3. Давлат активларини бошқариш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 августга қадар давлат мулкини хусусийлаштиришда баҳоловчи ташкилотларни танлаш, уларнинг хизматлари қийматини аниқлаш ва тўлашнинг энг яхши тижорат таклифларини танлаб олиш тартибини жорий этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар этиб Бош вазирнинг ўринбосари Ж. А. Қўчқоров ва Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А. Ж. Ортиқов белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**
Тошкент шаҳри,
2021 йил 11 февраль

### Шу куннинг гаплари

"Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" давлат дастурига кўра жорий йилда **23 млрд доллар** қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш ҳамда **226** та йирик саноат ва инфратузилма объектларини ишга тушириш белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда **22** та йирик зиёрат объекти атрофини ободонлаштириш ва инфратузилмасини яхшилаш режалаштирилган.

Давлат дастурида белгиланган бунёдкорлик ишларига кўра, жорий йил якунига қадар 10 минг километрдан ортиқ ички ва қишлоқ йўлларини таъмирлаш, 15 минг километр электр тармоқлари ҳамда 4 мингта трансформаторни янгилаш, 700 дан ортиқ аҳоли пунктига тоза ичимлик суви етказиш, шаҳарларда **21 000** та, қишлоқларда **8 800** та уй-жойлар барпо этиш режалаштирилган.

Жорий йилда бюджет ҳисобидан **22** та болалар боғчаси ва **31** та янги мактаб қурилиб, ҳар бир туманда физика фанига ихтисослашган биттадан мактаб ташкил этилади, маданият марказлари, музейлар ва театр бинолари таъмирланиб, жиҳозланади.





## УРГАНЧДАГИ МАРКАЗИЙ МАЙДОН
### замонавий қиёфага эга бўлади

**Меҳрибон ИСМОИЛОВА,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.



**Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи воҳа аҳли ҳаётида туб бурилиш палласини бошлаб берди. Бу ташриф чоғида ҳам ҳар доимгидек, вилоятни янада ривожлантириш, шаҳару қишлоқларда замонавий инфратузилма объектларини барпо қилиш билан боғлиқ вазифалар ижроси чуқур таҳлил қилинди.**

Юртбошимиз томонидан аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш мақсадида келгусидаги устувор вазифалар белгилаб берилди. Айни пайтда ана шу эзгу ишларнинг амалдаги ифодасини Урганч шаҳридаги қурилиш жараёнларидан билиш қийин эмас.

Жумладан, "Ўздавшаҳарсозлик ЛИТИ" давлат унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, Урганч шаҳрида Марказий майдонни барпо этиш бўйича қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Ал-Хоразмий ҳамда Ислом Каримов кўчалари кесишмасида 500 метр узунликдаги ер ости йўли (туннель) қурилиб, унинг устига жасорат ва мардлик сиймоси – буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди ҳайкали ўрнатилади. Ушбу бунёдкорлик ишларига мамлакатимизнинг энг тажрибали, етук мутахассислари жалб этилди.

Мазкур лойиҳани амалга оширишда воҳанинг иқлим шароити, географик жойлашуви, ер сатҳи ҳисобга олинган. Эндиликда Урганч шаҳрининг маркази том маънода замонавий шаҳарсозликни ўзида мужассам қилади.

Марказий майдон композициясининг асоси Жалолиддин Мангубердининг 25 метр баландликдаги ҳайкали бўлиб, у шу атрофдаги кўркам маъмурий бинолар, вилоят мусиқали драма театри, яшилликка бурканган майдон билан уйғунлашган тарзда жойлаштирилади. Буюк аждодимиз Жалолиддин Мангубердининг ватанпарварлиги, жасоратига оид битиклар қайд этилган лавҳлар ўрнатилади. Бу тарихимизга, аждодларимизга ҳурматимизни намоён қилиши билан бир қаторда ёшларда ўз юрти, миллатига нисбатан ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш, ана шу руҳда тарбия топишларида муҳим аҳамият касб этади.

Шаҳарда транспорт воситалари ҳаракати учун янада қулайлик яратиш ҳамда йўллардаги тиғизликларни бартараф қилиш мақсадида соатига 3 500 автомобилни ўтказиш имкониятига эга бўлган туннель барпо этилади.

Ер ости йўлининг ҳар икки томони икки қаторли тўртта йўлакдан иборат бўлиб, кенглиги 14 метр, баландлиги эса 5,5 метрни ташкил қилади. Шундан, Ислом Каримов кўчаси кесишмасида пиёдалар учун иккита ер ости йўлакчаси ҳам қурилади. Лойиҳага кўра, 1 000 томошабинга мўлжалланган замонавий концерт зали биноси бунёд этилиши кўзда тутилган. Мазкур концерт залида ёшларга рақс сирлари ҳам ўргатилади ва байрам тадбирлари шу жойда ўтади.

Бундан ташқари, марказий майдонда шаҳарликлар ва меҳмонлар учун қулай шарт-шароитлар яратилади. Шунингдек, чиройли фавворалар марказий майдон ҳуснига янада ҳусн бағишлайди. Ўз навбатида, амалга оширилаётган ушбу архитектура композицияси, унинг марказидан жой оладиган Жалолиддин Мангуберди тимсоли мазмун ва моҳияти жиҳатидан авлодларга ватанпарварлик намунаси бўлиб, қалбларда шижоат, қатъият ҳиссини жўш урдириб тураверади.

## Халқаро ҳамкорлик кенгаймоқда



**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Кунчиқар мамлакат билан кўплаб соҳаларда, жумладан, қурилишда яқин ҳамкорлик алоқаларини изчил давом эттириш икки давлат учун манфаатли ҳисобланади.**

Ана шу эзгу мақсадлар муштараклиги доирасида Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги ва Токио шаҳридаги Ўзбекистон элчихонаси ҳамкорлигида Япониянинг сейсмик ҳимоялаш жамияти томонидан семинар ташкил этилди. Анжуманга Қурилиш вазирлиги мутасаддилари, мамлакатимизнинг қурилиш-лойиҳа ташкилотларида фаолият юритаётган мутахассислар, ТАҚИ профессор-ўқитувчилари, ёш олимлар таклиф этилди.

Тадбирда қурилиш вазири Батир Закиров сўзга чиқиб, қатнашчиларни самимий қутлади ҳамда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги кўплаб соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бораётганини таъкидлаб, бу жараёнда, айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилда кунчиқар давлатга қилган расмий ташрифи ва олий даражадаги мулоқотлар чоғида мамлакатлар ўртасида барча соҳаларда алоқаларни янада фаоллаштиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилгани ҳамкорликнинг янги саҳифасини очиб берганини эътироф этди.

– Томонларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли икки халқ фаровонлиги йўлидаги узоқ муддатли ва кўп қиррали ҳамкорлик янада ривожланиб бораётгани эътиборга молик, – деди вазир. – Шу нуқтаи назардан ташкил этилган онлайн анжуман Ўзбекистонда қурилиш соҳасини янада такомиллаштириш, сейсмик устуворлик техникасидаги ўзгаришларни ўрганиш, сейсмик ҳимоя жараёнлари билан яқиндан танишиш, сейсмик ҳимояланган иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш борасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Пандемия шароитини ҳисобга олган ҳолда вебинар шаклда ўтказилаётган онлайн тадбирда мутахассислар сейсмик устувор бинолар қурилиши бўйича Япония тажрибаси билан яқиндан танишишди. Семинарда Япониянинг юқори малакали мутахассислари томонидан сейсмик устуворлик техникасидаги ўзгаришлар, ҳимоя ва тебранишлар назорати, ҳимояланган иншоотларни лойиҳалаш ва уларнинг конструктив ҳисоби, сейсмик таъмирлаш технологиялари каби мавзуларда маърузалар ўқилди.

– Ўзбекистон ва Япония мамлакатлари ўртасидаги изчил алоқаларни юқори босқичга олиб чиқишда бугунги семинар муҳим пойдевор вазифасини ўтайди, – деди Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси Ёшинори Фужияма.

Икки кун давом этадиган анжуманда Япониянинг сейсмик ҳимоялаш жамияти (ЯСИЖ) президенти Акира Вада, Ер, инфраструктура, транспорт ва туризм вазирлигининг халқаро муносабатлар бўлими директори Акихико Исихара, ЯСИЖ президенти, Токио технология институтининг фахрий профессори Акира Вада ва бошқалар маъруза қилишади.

Анжуманнинг бугунги иш кунида ўзбекистонлик мутахассислар сейсмик устувор бинолар қурилиши бўйича Япония тажрибасини мамлакатимиз қурилиш-лойиҳалаш тизимига кенг татбиқ этиш юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашмоқда.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№11 (462) 2021 йил 12 февраль

# Юртбошининг шижоати фуқароларга ибрат бўляпти

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Президент Шавкат Мирзиёевнинг жойларга қилаётган ташрифлари давомида янги қурилаётган объектлар ва ишга туширилаётганларини кўздан кечириши ҳамда улардаги жараённи ўрганиб, топшириқлар бериши баробарида, ўша ҳудудлардаги фуқаролар, фаоллар билан учрашаётгани, хонадонларга кириб, яшовчиларнинг турмуш тарзи билан яқиндан танишаётгани, тўғриси, халқимиз учун умуман кутилмаган ҳодиса бўлиб, одамларни мудроқликдан уйғотиб, ҳаракатчанликка ундаётганини барча эътироф этмоқда.**




Одамлар бундай эътирофларни дилдан таъкидлашаётганининг сабаби бор. Чунки нафақат Собиқ Иттифоқ даврида, балки мустақиллик йилларида ҳам бунақаси ҳеч қачон бўлмаганди, буни ёши катталар яхши эслашса керак. У даврларда давлат раҳбари билан ўз уйида юзма-юз суҳбатлашиб, дилидаги гапларни айтишни қўяйлиг-у, ҳатто туманнинг биринчисини олдига кириш ҳар қандай кишига ҳам насиб этмасди. Ана шу боис, раҳбарлар ва фуқаролар ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлмай, муаммо ортидан муаммолар тўпланиб ётаверарди. Бугун эса, юртимизда яшовчи барча кишиларнинг дилидаги орзу-армонлари ушалган, барча раҳбарлар маҳаллада, уйларда юриб, халқнинг дардини тинглаб, уларга ечим топаяпти. Айни дамда қайси хонадонга кирманг, одамлар юз-кўзида миннатдорчилик балқиётганини ҳис қиласиз. Айниқса, Президент билан дилдан бўлган суҳбатлар асносида эса муаммолар барҳам топиши билан бирга, одамлар қалбида эртанги кунга ишонч уйғониб, ўзлари ҳам шу жараёнга фаол иштирок этишга дадил интилишяпти.

Пойтахт вилоятининг Бекобод туманидаги касб-ҳунар коллежларидан бирида ўтказилган меҳнат ярмаркасида иш сўраб мурожаат қилган 400 нафардан зиёд фуқароларнинг аксариятида юқорида таъкидланган фикрларни англаб олиш қийин эмасди. Меҳнат ярмаркасининг айнан шу жойда ташкиллаштирилганига ҳам сабаб бор. Чунки жорий йил туманда 100 нафарга яқин ёшлар бундай билим даргоҳларида ўқиб, ҳунар ўрганишяпти.

Яна икки-уч ойдан сўнг улар ҳам бошқалар сингари ишлаб чиқариш тармоқларидан ўз ўринларини топишади. Ҳудуддаги 2-сектор ва туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ходимлари томонидан ташкил қилинган тадбирнинг фарқли томони шуки, айрим туманларда 50, ҳатто 100 га яқин хусусий корхоналар фаолият кўрсатишига қарамай, бундай муҳим тадбирларда уларнинг иштироки деярли сезилмаётганини инкор этиб бўлмайди. Бу жойда эса 43 та ишлаб чиқариш корхоналари қаторида ўттиздан ортиқ тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектлар ҳам фаол иштирок этаётганди. Шу жойда иш сўраётганлардан айримларининг фикрлари билан қизиқдик.

– Ёш оиламиз, турмушга чиққанимга беш йил бўляпти. Ишсизликдан уйда ўтириб қолгандим, турмуш ўртоғим ҳам ўзига лойиқ иш тополмагач, бир-икки йил бошқа юртларга бориб келди. "Узоқнинг буғдойидан яқиндаги сомон яхши", деганлари рост экан, биримиз икки бўлмади. Президентимизнинг Бухоро вилоятига ташрифлари чоғида Олот туманидаги оддий хонадонлардан бирига кириб, яшовчилар билан дилдан суҳбатлашганлари бевосита бизнинг оилага ҳам тааллуқли эди. Юртбошимизнинг у жойдаги суҳбатлари, пурҳикмат фикрлар ўтирсам ҳам, турсам ҳам кўз олдимдан кетмади, – деди Мунира Холиқулова. – Шундан буён ўз-ўзимга савол бераман: "қачонгача уйда ўтираман, бошқалардан қаерим кам", деб бугунги тадбирни эшитгач, умр йўлдошим билан етаклашиб келавердик.

– Тадбир ёқдими, ишсизлик масаласи ҳал бўлдими? – деб сўрадик.

– Ҳайратдан лол қолдим, бу ерга ўзим сингари иш излаб келганлар жуда кўп экан. Мутахассислар фикрларимни ўрганишгач, тикувчилик билан шуғулланадиган тадбиркорга учраштиришди. Хусусий корхонанинг эгаси эса янги очилган цехига ишга қабул қилди ва ҳар ойда 1 500 000 сўм маош тўлашини айтди. Аввалроқ мана шундай тадбирларда қатнашмаганимдан афсусдаман. Эримга ҳам иш топилди. Уни қурилиш билан шуғулланувчи "Бек мадад" МЧЖга қабул қилиб, шу жойнинг ўзидан ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштириши учун қисқа муддатли ўқишга юборишди. Ўқиши жараёнида стипендия ҳам тўлашаркан. Энди бизнинг оиламиз ҳам бошқалардан кам бўлмай яшайди. Чунки ишласак, ишимиз бор, мана шундай шароитларни яратиб бераётган давлатимиздан миннатдорман, – дея жавоб берди Мунира ўз навбатида.

Жорий йилдаги давлат дастуридан бошқа соҳалар қатори ёшларни ўқитиш ва касбга йўналтириш масаласи ҳам кенг ўрин олган. Унинг ижросига дастлабки кунлардан жиддий киришилгани эътирофга лойиқдир. Шу ўринда ярмарка иштирокчиларидан яна бири – Муяссар Маликованинг фикрларини келтирсак, айни муддао бўлади.

Ёши олтмишдан ошган опа анча вақтдан буён ишсиз юрган ўғлини бу ерга олиб келган экан. Фарзанди ҳунарсиз бўлгани боис, уни электр техникалари ва электрон автоматлаштириш мутахассислиги бўйича ўқишга йўллашибди. Олти ойдан сўнг уни битиргач, ишлаш жойи ҳам аниқ бўлибди. Муҳими, ўқиш жараёнида ҳунар ўрганиш билан чекланмасдан, уч-тўртта чет тиллари ҳам мукаммал ўргатиларкан. Бу эса ёшларнинг келажаги учун жуда муҳим.

– Бизнинг давримизда бундай имконият ва шароитлар фақат орзу эди. Ҳозирги кунда фарзандларимиз қайси тилни ёки касбни танласа, ўз мақсадига эришиши учун етарли шароитлар яратилган, – дея эътироф этади онахон. – Ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўша кезларда шундай катта туманимизда элликка яқин мактаблар бўлишига қарамасдан, мутахассислар йўқлиги сабабли барчасига битта чет тили ўқитилар, баъзида эса ўқувчилар синфхонада шовқин кўтармаслиги учун қайси ўқитувчи бўш бўлса, ўша киши чет тилини билмаса ҳам дарсга кирарди. Алам қиладигани, қайсидир сабабга кўра, дарсларни яхши ўзлаштира олмаган ўқувчига ёрдам бериш ўрнига, ундан тезроқ қутилиш учун, ўзи хоҳламаса ҳам, мажбурий равишда учкомбинатларга юборилиб, келажаги билан ҳеч ким қизиқмасди. Бугунги кунда давлатимиз ота-оналар каби ёшларнинг келажагига жиддий эътибор қаратаётганини барчамиз кўриб, ўз оиламиз мисолида ҳис этяпмиз ва шундай юртда яшаётганимиз билан фахрланамиз.

Бекобод туманида ўтказилган меҳнат ярмаркасидан айрим иштирокчиларнинг фикрларини келтиришимиз бежизга эмас эди. Гап шундаки, кейинги йилларда ёшлар, айниқса, уйда вақтинчалик ўтириб қолган хотин-қизларни доимий меҳнатга жалб этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш масаласи ташкилотлар баробарида, кичик корхоналар ҳамда тадбиркорларнинг доимий эътиборида бўлгани учун ишсизлик барҳам топмоқда. Айни пайтда мазкур муаммоларга ечим топиш бўйича туман вилоятда олдинги сафларда боряпти. Бу борада рақамларга эътибор қаратилса, у яққол кўзга ташланади.

Масалан, ўтган йилги оғир шароитга қарамасдан ҳудудларда тўрт бор ташкиллаштирилган меҳнат ярмаркаларида 3 270 нафар киши иштирок этиб, 1 777 фуқаро доимий ишли бўлишган. Қолганлари эса зардўзлик, дурадгорлик, пайвандчилик, электр ва электрон автоматлаштириш, кулолчилик ҳамда бухгалтерия сингари замон талабидаги касбларга қайта ихтисослаштирилиб, сўнг иш билан таъминланган. Буни аввалги йиллар билан таққослаганда, меҳнатга бандлик даражаси 62 фоиздан 96 фоизга ошган ёки ёшларни касбга йўналтириш бўйича янги ўқув марказларининг ташкил қилингани ҳисобига ҳунар ўрганганлар 43 фоиздан 71 фоизга кўпайган.

Корхона ва ташкилотларнинг кенгайгани учун янги иш ўринлари барпо қилиш бўйича икки йил олдин 590 тани ташкил этган бўлса, бугунга келиб, улар сони 2 мингдан ортади. Мана шундай саъй-ҳаракатлар ҳисобига "Темир дафтар"га киритилганлар аллақачон рўйхатдан чиқарилган. Туманнинг умумий ишлаб чиқариши ҳамда маҳсулотлар етиштириш ҳажмида ҳам олдингиларга нисбатан кескин ўзгаришлар яққол кўзга ташланади. Яъни, барча бўғинлардаги умумий кўрсаткичлар 46 фоиздан 80 фоизга етган. Бу эса ўзини ўзи таъминлаш қатори четга маҳсулот чиқаришга ҳам имкон бермоқда.



# Қўли гул, дили дарёлар юрти

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Риштонга бугун четдан келаётганлар ҳавас қилаётгани бор ҳақиқат. Бу масканда яратилаётган турли кулолчилик маҳсулотлари дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги кўргазмаларда намойиш этилмоқда.**

2019 йилнинг 6-7 май кунлари мамлакатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига қилган сафарида "риштонликлардан қарзим бор", деган самимий сўзни айтиб ўтгандилар. Бу барчани лол қолдирди. Чунки Президентнинг эътиборига тушиш, у кишидан шундай фикрни эшитиш чиндан ҳам ҳаяжонли эди. Кўп ўтмай Риштонда кенг кўламли бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, туман марказини бутунлай қайта қуриш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Қисқа вақт ичида қарор ижросини таъминлаш мақсадида кўп ишлар амалга оширилди.

Президентимиз яқиндагина Фарғона вилоятига қилган ташрифининг илк кунида миллий кулолчилик бренди бўлган Риштонда янги қад ростлаган Халқаро ҳунармандлар марказида бўлди.

Давлат раҳбари ташриф буюрган кулолчилик мажмуаси ўрни қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғит сақланадиган ташландиқ омбор эди. Бир гектардан зиёд бу ҳудуд қисқа вақт ичида кўп шажарали кулоллар сулоласи вакилларининг замонавий ижодий устахонаси, кўргазмаси, дўкони, яшаш жойига айланди. Мажмуада 12 та 4 сотихли ва 8 та 2 сотихли ҳовли қурилиб, Риштоннинг энг маҳоратли ижодкор уста кулолларига 20 йилга бошланғич бадалсиз, имтиёзли кредит асосида берилди.

Давлатимиз раҳбари бундай марказлар Риштонда бир эмас, ўнлаб бўлиши кераклигини билдирди. Сабаби, Риштоннинг ҳунармандчилик салоҳияти шуни талаб қилади. Шундай қилингандагина ижодий рақобат сезилади. Кулоллар ўз устида изланади, тарихий анъаналарни сақлаб қолиш учун маҳоратларини ишга солади. Бу анъаналарни келгуси авлодларга етказади, шунинг баробарида атрофдагилар ишли бўлади, уста-шогирд анъаналари давом этади.

Устазода Алишер Назировни нафақат республикамизда, ҳатто хорижда ҳам яхши билишади. У ясаган сопол маҳсулотларнинг сири кўчмайди, ранги ўчмайди. Ҳар бир маҳсулотга такрорланмас услубда зеб берилади.

Кулолга берилган бинонинг биринчи қаватида кўргазма зали жойлашган. Бу ерга қўйилган кулолчилик асарлари Хитойнинг машҳур маҳсулотларини уялтириб қўйиши табиий. Иккинчи қаватда барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхона яратилган. Энди хориждан ташриф буюрган сайёҳлар устанинг қўлида сайқал топган маҳсулотнинг қандай яратилишини ўз кўзлари билан кўриш учун бир муддат бўлса-да, шу ерда қўним топишлари мумкин. Албатта, ҳар қандай буюмнинг яратилишининг гувоҳи бўлиб, сўнгра харид қилишга нима етсин?.

Юртбошимиз Риштонда бўлганида, ҳунармандчилик бўйича Фарғона тажрибасини ятамиз, ҳар бир вилоятда, ҳар бир хонадонда, тўйларимизда ўзимизнинг кулоллар яратган маҳсулотлар бўлиши кераклигини билдирди.

Мазкур кулолчилик марказини АТ "Ўзсаноатқурилишбанк" қўллаб-қувватлади. Қурилишга 19,2 миллиард сўм маблағ сарфланди. 250 та иш ўрни яратилиши баробарида, 270 хил турдаги харидорбоп кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Марказни кичик кластерга ўхшатиш мумкин. Чунки бу ерда соф тупроқнинг то маҳсулот ҳолига келгунигача бўлган барча операциялар шу ернинг ўзида бажарилади.

Марказдаги кулолчилик устахоналаридан жорий йилда 2,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштириляпти. Шундан 115 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот Қозоғистон, Тожикистон, Туркия, Россия ва МҲДга экспорт қилинади ва 1,2 миллиард АҚШ долларига тенг маҳсулот ички бозорга етказиб берилади.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир ўзбек хонадонида экологик тоза, шу билан бирга, ўзимизда ишлаб чиқарилган битта лаган, битта чойнак, битта қумғон, 4 та пиёла бўлиши шартлиги, тўй-маъракаларда ҳам, турли байрамларда ҳам ундан фойдаланиш лозимлигини, шу билан бирга, АТ "Ўзсаноатқурилишбанк" орқали Москва, Туркия, Корея, Хитой элчихоналарида дўконлар очиш мақсадга мувофиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида 30 мингдан зиёд ҳунарманд фаолият юритмоқда. Келгусида ёшларни ҳунармандларга бириктириш ва шу орқали 7,5 мингдан зиёд кишининг бандлигини таъминлаш мақсад қилинган.

Меҳнат фахрийси Турсунхўжа Абдураҳмонов узоқ йиллар халқ таълими тизимида ҳалол меҳнат қилган. Устоз Президент билан учрашиб, у киши билан мулоқотда бўлди.

– Риштон қайта туғилди, –деди у. – Бугун янги Риштон пайдо бўлди. Тадбиркорларга, ҳунармандларга юртбошимиз томонидан берилаётган эътиборни ҳали тарих кўрмаган. Бунда ҳам бир ҳикмат бор. Энди кулоллар рақобат қилсин, изланcин. Бир-биридан ўргансин, ўргатсин. Чунки бу касбни эгаллаш кишидан йиллар талаб қилади.

Республикамизнинг Самарқанд, Нурота, Наманган, Тошкент, Сурхондарё тарафларида ҳам кулоллар бор. Лекин Риштон кулолларининг улардан фарқи нимада? Сабаби Риштонда тайёрланган маҳсулотларни чертганда ўзгача бир куй, оҳанг таралади. Яқин келажакда бу оҳанг юртимизнинг тимсоли сифатида узоқ ўлкаларда ҳам жаранг берса не ажаб!

Самарқанддан дараклар

# Сертификат топширилди

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Имконияти чекланган инсонларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.**

Шу боисдан ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, даволаш, соғлом ҳаётга қайтариш учун зарур шароитлар яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу эзгу ниятни рўёбга чиқаришда эса шифокорлар, айниқса, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ходимлари зиммасига катта масъулият юклатилган.

Хўш, меҳр-мурувватга зор, ўзгалар ёрдамига муҳтож кишиларга мадад қўлини чўзишда, уларнинг олдида турган вазифалар нималардан иборат? Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ижтимоий-тиббиёт кафедраси ўқитувчилари Самарқандда ташкил этган бир ойлик ўқув курси ана шу мавзуга қаратилди. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Алишер Иноқов, Жамолиддин Нажмитдинов, Мирмуҳитдин Миралимов каби олимлар кун тартибидаги мавзулар бўйича машғулотлар ўтказди, семинарлар уюштирди.

Ўқиш якуни бўйича 44 нафар ходим малака ошириб, тест натижаларига кўра, тегишли сертификатга эга бўлишди.

# Ишсиз фуқароларга имконият

**Самарқанддаги собиқ Боғишамол саноат коллежи негизида "Ишга марҳамат" мономарказини ташкил этиш мақсадида катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда.**

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги буюртмасига биноан бошланган бунёдкорлик юмушларини "Толиб бобо" МЧЖ жамоаси амалга ошираётир. Бинокорлар режани сифатли бажариш учун жиддий эътибор қаратаяпти. Айни пайтда бинони қайта реконструкция қилиш, ёшларга турли хил касб-ҳунарларни ўргатиш хоналари ва устахоналарни тайёрлаш, жиҳозлаш ниҳоясига етказилиши арафасида. Муҳими, лойиҳачи "Artur obsledovanie zdaniy" жамияти мутахассислари томонидан марказ учун зарур барча шарт-шароитларни тўлиқ эътиборга олингани диққатга сазовор.

– Лойиҳа мукаммал ва тўлиқ бўлса, қурувчи машаққат чекмайди, – дейди пудратчи ташкилот раҳбари Эркин Толибов. – Қолаверса, бинони таъмирлашда энг замонавий энергиятежамкор қурилиш материаллари, жаҳон андозаларига мос келувчи жиҳозлар қўлланилаётганлиги ютуқлар омили бўлаяпти.

Айтиш керакки, марказ фойдаланишга топширилгач, йилига 2000 нафар ишсиз фуқаро касб ўрганиш ва тегишли сертификат олиш имкониятига эга бўлади. Жумладан, қурилиш соҳаси учун малакали мутахассислар тайёрлашга катта аҳамият берилаётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Бу эса уларнинг барча жойда, ҳатто хорижда ҳам қонуний жиҳатдан меҳнат фаолиятини юритишига кенг йўл очиши шубҳасиз.

# Шаҳарсозлик қоидалари амалдами?

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бугунги кунда қурилиш соҳаси ходимларига билдирилаётган асосий эътирозлардан бири, жойларда шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидаларига риоя қилинмаётганлигидир. Айнан мана шу сабабга кўра, иморатлар битмай туриб, қулаб тушиш ҳоллари учрамоқда. Ижтимоий тармоқларда, матбуотда билдирилаётган фикрлар эса вазиятни ўнглашни талаб этяпти.**

– Тизимдаги барча ташкилотларимиз бу муаммони ҳал этишга жиддий киришди, – дейди Наманган вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Дилшод Ниязов. – Январь ойида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда бу ҳақда қатъий қарорга келинганди. Ҳозирги кунда амалий ишлар қизғин давом этмоқда.

Наманган шаҳри ва туманларда тузилган ишчи гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги "Аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қатъий бажарилишини назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 41-қарори ижросини таъминлаш устида изчил иш олиб боришяпти. Фаолиятни намунали ташкил этиш учун биринчи навбатда ҳукумат томонидан қабул қилинган ҳужжатнинг мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилмоқда. Белгиланган тартибни бузганларга нисбатан эса қонуний чоралар кўриляпти.

Мисол учун, Наманган шаҳрида бир ҳафта ичида 67 та ноқонуний қурилиш аниқланди. Улар орасида кўплаб кўчма қурилмалар ҳам бор. Бундай қоидабузишлар, айниқса, Бобур шоҳкўчаси, Навоий, Тўрақўрғон, Уйчи ҳамда Ғирвонсой кўчаларида кўп учради. Ўзбошимчалик билан шундай хатти-ҳаракатларга йўл қўйган фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари белгиланган тартибда қатъий огоҳлантирилди. Уларга ноқонуний қурилиш ва қурилмаларни бартараф этиш учун муддат берилди. Бир неча кун мобайнида 9 та усти ёпиқ қурилма, 23 та кўчма савдо шохобчаси, 11 та сомса ва кабоб пишириладиган мосламалар бартараф этилди.

Наманган шаҳрининг Давлатобод туманида ишчи гуруҳ ўтказган рейдда ҳам кўплаб камчиликлар ошкор бўлди. Хусусан, Орзу маҳалласида 8 та, "Навбаҳор" МФЙда 12 та, "Янги тонг" МФЙда 8 та, жами 72 та ноқонуний қурилиш ва рухсатсиз ўрнатилган қурилмалар бор экан. Уларнинг 42 тасига ўша куниёқ барҳам берилди.

Юқоридаги каби қонун бузилишлар бошқа туманларда ҳам оз эмас. Масалан, Норинда 41 та камчилик рўйхатга олинди. Тўрақўрғон туманида эса қисқа муддатда 45 та камчилик аниқланди.

Бугунги кунда халқимиз ҳуқуқий жамиятда яшамоқда. Шунинг учун ҳар бир нарса, жумладан, тадбиркорлик ҳам қонун асосида, мавжуд қоидаларга биноан йўлга қўйилмоғи даркор. Аҳоли пунктлари, яъни шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий қиёфаси бузилишига, шаҳарсозлик меъёрлари инкор этилмаслиги зарур. Чунки мазкур масала инсон саломатлиги ва хавфсизлиги билан боғлиқ.

# Бўш турган объектларнинг эгаси бўлади

Умида МУРОДХОНОВА.

**Бугунги кунда бўш турган майдонлардан самарали фойдаланиш, маҳаллий тадбиркорлар ва хорижлик инвесторларни кенг жалб этган ҳолда бу ерда турли ижтимоий соҳа объектлари, турар жойлар, маиший ва маъмурий биноларни барпо этишга катта эътибор қаратилмоқда.**

Фаолият кўрсатмаётган нотурар объектлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни корхоналарнинг хўжалик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 1 июлда "Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

– Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча тоифадаги фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини аниқлаш ҳамда ҳисобини юритиш, бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, давлат мулки объектларини ижарага беришни ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда, – деди Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Жамшид Тоҳиров. – Бугунги кунда Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг хулосасига асосан яроқсиз деб топилган давлат мулки объектларини бузиш ва фойдаланилмаётган объектларни олиб қўйиш тўғрисида қарорлар қабул қилиниб, нотурар объектлар бўйича хатлов ишлари бошлаб юборилган. Бунинг натижасида ҳозирга қадар Тошкент вилоятида 8 560 та объект ўрганилиб, 709 тасидан самарасиз фойдаланилаётгани маълум бўлди.

Анжуманда бўш турган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида, 2020 йилнинг иккинчи ярмида 165 та давлат мулки объекти бўйича тадбиркорлик субъектларига "E-ijro auksion" электрон савдо майдончаси орқали 64 та бўш турган давлат мулки объектини сотиш белгилангани айтиб ўтилди. Булардан ташқари, вазирлик ва идоралар тасарруфидаги 48 та бўш турган давлат мулки объекти бошқарма балансига олиниб, келгусида улардан самарали фойдаланиш кўзда тутилган. Бир неча йиллардан буён фойдаланилмаётган яроқсиз 18 та давлат мулки объектини бузиш ҳамда ушбу ер майдонларини маҳаллий ҳокимликлар захирасига олиб, тадбиркорлик субъектларига сотиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

– Белгиланган 64 та объектдан 17 таси сотилди, 11 та объект "E-ijro auksion" электрон савдо майдончасига қўйилиб, қолганларини савдога чиқариш ишлари олиб борилмоқда, – деди суҳбатдошимиз. – Ҳудудий бошқарма томонидан балансга олиниши белгиланган 48 та бўш турган объектнинг 9 тасига тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб, яна 39 тасини балансга олиш ишлари давом этяпти. Вилоятда 2020 йил давомида жами 2 524 та хусусий мулк объектига нисбатан 135,1 млрд сўм оширилган солиқ ставкалари қўлланилиб, 25,9 млрд сўм ундирилди. Бунинг натижасида 704 та хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти тикланишига эришилди. "E-ijro auksion" ягона электрон-онлайн савдо майдончасига 2020 йилда 553 та давлат мулки объекти электрон тарзда эълонга чиқарилиб, 353 таси кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига уч томонлама шартнома орқали ижарага берилди. Бунинг натижасида 1 630 та янги иш ўрни яратилди.

# Бунёдкорлик – тараққиёт тимсоли

Марат УЛПЕТОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида ҳам замонавий турар жой бинолари, мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари, идора, корхоналарнинг маъмурий бинолари, дам олиш, маиший хизмат кўрсатиш масканлари бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

2021 йилнинг январь ойи ҳолатига кўра, белгиланган дастур асосида барча манбалар ҳисобидан 50 миллиард 672 миллион сўмлик инвестициялар ва бошқа маблағлар ўзлаштирилди. Булар асосан 8 та мактаб, 6 та мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш, туман Маданият бўлими маъмурий биносини мукаммал таъмирлашга сарфланди. 7 та кўп қаватли уй-жойлар мукаммал таъмирланди, 5 та кўп қаватли уйлар янгидан қурилди, 6,9 километрлик янгидан ичимлик суви қувурлари тортилиб, 7,93 километрлик давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари жорий таъмирланди, шунингдек, 11 та бошқа объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Бундан ташқари "Обод қишлоқ" дастури доирасида Гулзор маҳалласида 12,3 миллиард сўмлик 4 қаватли 3 та арзон уй-жойлар қурилиши давом эттирилмоқда. Ушбу объектларни 2021 йил апрель ойида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. 2020 йилда лойиҳа қиймати 1 миллиард 145 миллион сўм бўлган 6,9 километрлик янги сув тармоқлари, шунингдек, Инвестиция дастурига мувофиқ Юсуф хўжа аҳоли пунктида 2,8 километр, Олмазор ва Янгиобод маҳаллаларида 4 километрдан ортиқ янги сув тармоғи тортилиб, фойдаланишга топширилди.

2021 йил учун белгиланган режалар янада юксак. Ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларини яхшилаш мақсадида туманда белгиланган дастурлар асосида барча манбалар ҳисобидан 76 миллиард 525 миллион сўмлик 22 та объектда инвестициялар ва бошқа дастурлар асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилади.

2021 йилда Холимбег, Қанғли, Қипчоқ овуллари ҳамда Уйшин маҳалласи ҳудуди оптик толали интернет тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади. Оқолтин овули ҳудудида жойлашган 37-сонли сув тарқатиш иншооти реконструкция қилиниб, 7,2 километр сув тармоғи янгидан тортилади.

Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари туман қиёфасини яна ҳам гўзаллаштириб, аҳоли турмуши сифати яхшиланишига хизмат қилади.

## "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ

### бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2021 йил 15 март куни соат 15.00 дан бошлаб бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига "Хоразм Дори-дармон" МЧЖнинг 2021 йил 11 февралдаги 45/01-сонли буюртманомасига асосан жамият тасарруфида бўлган Хоразм вилояти, Урганч тумани, Қоровул қишлоғи, Мустақиллик кўчаси, 12-уй манзилидаги умумий 1 979,03 квадрат ер майдонида жойлашган, **қурилиш майдони** – 668,00 квадрат метр, **умумий биноларнинг фойдали майдони** – 1 286,88 квадрат метрдан иборат бўлган (ҳозирги кунда фаолияти тўхтатилган) 2 қаватли дорихона биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 1 897 500 000 сўм. Мулкнинг бошланғич баҳоси ҚҚСни инобатга олган ҳолда кўрсатилган.

Юқоридаги кўчмас мулк 2021 йил 15 март кунги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 30 март, 14, 29 апрель ҳамда 14, 31 май кунлари соат 15.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин.

**Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:**

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

**Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар:** «CAPITAL TRUST INVEST» МЧЖ. Ҳ/р 2020 8000 1007 5716 6001 АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими МФО 01132 СТИР 304 802 952.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

**Телефон:** 71-236-25-53.

**Расмий веб-сайт:** www.capitaltrust.uz.

*RR – 0298-сонли лицензия.*

## АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

"PRIME REALTY" МЧЖ ҳамда АТ "Асака" банк Тошкент шаҳар филиали билан ҳамкорликда 2021 йил 19 март куни соат 11.00 дан бошлаб мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шўртепа кўчаси, 253-уйда жойлашган, **умумий майдони** – 0,117 Га, **қурилиш майдони** – 303,0 квадрат метрдан иборат кўчмас мулк бино-иншоотлари ва асосий воситаларидан иборат меҳмонхона биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 16 253 870 000 сўм.

**Алоҳида шартлар:**

– шартнома бўйича тўлов муддати 5 йилдан кўп бўлмаган муддатда тузилади;

– йиллик фоиз тўлови Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасига асосан ҳисобланади;

– аукцион ғолиби олди-сотди шартномаси имзолангандан сўнг 20 календарь кун ичида тўлаган бошланғич баҳосининг 15 фоиз закалат пулидан сотилиш баҳосининг 15 фоиз тафовутини тўлаш;

– аукцион ғолиби олди-сотди шартномасини имзолагандан сўнг 15 календарь кун ичида мулкни шикастланишидан суғурта шартномасини тузиши лозим.

Мазкур мулк сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг жума кунлари юқорида кўрсатилган соатларда ўтказилади.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-"А" уйда, савдо ташкилотчисининг савдолар залида ўтказилади.

Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши ва мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари "Савдо ташкилотчиси"га мулк сотув нархининг 1 фоизи миқдорида комиссион йиғим тўлаши лозим.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар, расмий иш кунлари соат 11.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади.

**Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 7007 6599 0001 АТБ "InfinBank" МФО 01041 СТИР 304 844 964.

Шунингдек, аукцион савдосида қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ҳар бир мулк учун қўшимча хизматлар кўрсатиш учун 1 000 000 (бир миллион) сўм миқдорида тўлов олинади.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Тел.:** 99- 858-01-12.

**E-mail:** info@primerealty.uz

**Расмий веб-сайт:** primerealty.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR 0285-сонли лицензия.*

## "Universal Auktsion Invest" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**2021 йил 16 март куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Шокирариқ кўчаси, 100-хонадонда жойлашган хусусий нотариал идорасининг 2021 йил 2 февралдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) "Gold Finance Business" МЧЖ томонидан аукцион савдоларига қўйилмоқда:**

1. 202101957000568-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 9 810 107,24 сўм.
2. 202101957000544-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 370 199,05 сўм.
3. 202101957000569-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 14 253 936,80 сўм.
4. 202101957000546-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 528 046,90 сўм.
5. 202101957000547-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 026 420,04 сўм.
6. 202101957000548-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 033 780,15 сўм.
7. 202101957000570-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 6 651 530,45 сўм.
8. 202101957000571-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 443 721,98 сўм.
9. 202101957000549-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 245 763 сўм.
10. 202101957000550-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 368 279 сўм.
11. 202101957000551-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 808 391,56 сўм.
12. 202101957000552-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 11 323 613,70 сўм.
13. 202101957000553-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 496 289,46 сўм.
14. 202101957000554-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 687 053,22 сўм.
15. 202101957000572-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 107 092 сўм.
16. 202101957000555-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 494 969,40 сўм.
17. 202101957000556-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 239 400 сўм.
18. 202101957000557-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 860 650 сўм.
19. 202101957000558-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 572 700 сўм.
20. 202101957000559-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 019 725 сўм.
21. 202101957000573-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 262 125 сўм.
22. 202101957000560-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 133 350 сўм.
23. 202101957000561-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 633 400 сўм.
24. 202101957000574-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 996 800 сўм.
25. 202101957000562-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 678 750 сўм.
26. 202101957000563-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 542 500 сўм.
27. 202101957000564-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 557 650 сўм.
28. 202101957000565-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 375 750 сўм.
29. 202101957000566-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 034 775 сўм.
30. 202101957000575-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 125 675 сўм.
31. 202101957000567-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 9 556 750 сўм.
32. 202101957000577-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 057 300 сўм.
33. 202101957000578-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 284 750 сўм.
34. 202101957000579-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 11 374 750 сўм.
35. 202101957000580-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 906 000 сўм.
36. 202101957000581-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 617 750 сўм.
37. 202101957000582-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 466 750 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан "Gold Finance Business" МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Истироҳат боғи кўчаси.

Юқоридаги мулклар 2021 йил 16 март куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба ва пайшанба кунлари, соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТ «Турон» банк Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Шунингдек, аукцион савдосида қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.

**Веб-сайт:** www.uai.uz.

*004059 рақамли гувоҳнома.*

## "Universal Auktsion Invest" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**2021 йил 16 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Сергели туманида жойлашган хусусий нотариал идорасининг 2021 йил 2 февралдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) "Kibray Kredit" МЧЖ томонидан аукцион савдоларига қўйилмоқда:**

1. 202101957000530-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 328 486 сўм.
2. 202101957000531-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 8 252 415,80 сўм.
3. 202101957000532-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 845 500 сўм.
4. 202101957000533-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 224 250 сўм.
5. 202101957000534-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 254 550 сўм.
6. 202101957000535-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 837 525 сўм.
7. 202101957000536-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 5 284 450 сўм.
8. 202101957000537-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 640 875 сўм.
9. 202101957000538-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 405 950 сўм.
10. 202101957000539-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 284 750 сўм.
11. 202101957000540-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 224 250 сўм.
12. 202101957000541-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 852 975 сўм.
13. 202101957000542-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 648 550 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан "Kibray Kredit" МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент вилояти, Қибрай шаҳарчаси, Зебунисо кўчаси, 4-"А" уй.

Юқоридаги мулклар 2021 йил 16 март куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба ва пайшанба кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auktsion Invest» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТ «Турон» банк Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Шунингдек, аукцион савдосида қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.

**Веб-сайт:** www.uai.uz.

*004059 рақамли гувоҳнома.*

# Ислом оламининг ноёб кўзгуси

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев миллий-диний қадриятларни тиклаш, буюк аждодларимизнинг динимиз софлигини таъминлашга қўшган улкан ҳиссасини кенг ўрганиш ва тарғиб этиш юзасидан кўплаб ташаббусларни бошлаб берди. Хусусан, ўтган йили 1 сентябрь – Қурбон ҳайити куни Ҳазрати Имом мажмуасига келиб, Ислом цивилизацияси марказининг қурилиши, мақсад ва вазифалари юзасидан кўрсатмалар берган эди.**



Марказда 2017 йилда Президентимизнинг қарорига мувофиқ қурилиш ишларига тайёргарлик бошланганди. Мазкур мажмуа ёнидан ўн гектарга яқин ер ажратилиб, 2018 йилда қурилиш жараёни бошланиб, бугунги кунда бинонинг асосий конструктив ишлари бажарилди. Муҳандислик ишлари "Ўзоғирсаноатлойиҳа" институти томонидан амалга оширилаётган бинода айни пайтда пардозлаш ишлари авжида.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилларда бу ерга бир неча бор келиб, уни чиройли ва сифатли қилиб қуриш, дунё олимлари фикрини ўрганиб, мазмунини бойитиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Президентимизнинг жорий йил 29 январдаги ташрифи чоғида ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Марказ биноси лойиҳаси, ички ва ташқи дизайни, музей экспозициялари мазмуни бўйича дунёнинг етук олимлари, исломшунос ва санъатшунослари билан фикрлашилиб, шу асосида илмий-тарихий концепция ишлаб чиқилди.

Айтиш керакки, бино ва унинг теварак-атрофини мукаммал лойиҳа асосида барпо этишда қанчалик меҳнат, маҳорат талаб этилиши сир эмас. Ана шу сир-асрорларни билиш мақсадида мажмуа лойиҳасининг бош меъмори – таниқли архитектор, «Карат проект» лойиҳа ташкилоти раҳбари Абдуқаҳҳор Турдиев билан суҳбатлашишга аҳд қилдик. Меъморимизни ижодий ишларини нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам танишади, тан олишади. Кўплаб йирик лойиҳалар муаллифига Ислом цивилизацияси маркази қурилиши ҳам бежизга ишониб топширилмаган. У киши билан суҳбатимиз ҳам меъморчилик фаолияти, хусусан, Ислом цивилизацияси маркази лойиҳасининг яратилиши ва қурилиши борасида бўлди.

**– Абдуқаҳҳор Абдуқодирович, фаолиятингиз ва бош меъмор сифатида яратган лойиҳаларингиз ҳақида гапириб берсангиз.**

– 1975 йил Тошкент давлат политехника институтининг архитектура факультетини тугатгач, йирик лойиҳаларда қатнашиб, тажрибамни бойитдим. 1986 йилдан бошлаб эса йирик лойиҳалар бош меъморига айландим.

Илк йирик лойиҳаларимдан бири – Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини реконструкция қилиш жараёни бўлган. Шундан сўнг 1995-1996 йилларда Темурийлар тарихи давлат музейи ва Имом ал-Бухорий мажмуаси лойиҳасини яратдим. Сайилгоҳ кўчасини ободонлаштириш, "Шаҳидлар хотираси" хиёбони қурилишига ҳам бош-қош бўлдим. Шу билан бирга, Самарқанд, Фарғона ва Андижон вилоятларидаги турар жой ва маъмурий бинолар лойиҳасини яратдик.

1997 йилда Ҳазрати Имом мажмуаси лойиҳасини ишлаб чиқиб, бош меъмор сифатида қурилиш ишларини бошқардим. Мажмуа таркибидан масжид, кутубхона ва музей сингари бўлимлар ўрин олган. 2019 йилда Сузук ота ёдгорлик мажмуаси лойиҳасини ишлаб чиқдик. Ундан Сузук ота мақбараси ва масжид ўрин олган. Шу йили Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ва Себзор даҳасида жойлашган ат-Термизий жоме масжидларини ҳам қуриб топширдик.

2013-2014 йилларда Минор масжиди қурилиб, фойдаланишга топширилди. Масжиднинг тўлалигича оқ мармар билан қоплангани унга ўзгача гўзаллик, улуғворлик ва ҳашамат бахш этиб туради. Бу иншоот қадимий ва замонавий меъморчилик санъатини ўзида мужассам этган. Юртимизнинг моҳир ва қўли гул усталари томонидан ишланган эшик-ромлар, ўймакорлик санъати қўлланган нақшинкор устун уни янада салобатли кўринишга келтирган. Масжиднинг ташқи ҳовлиси бино рангига монанд бўлган оқ чироқлар билан безатилган.

**– Ўзингиз раҳбарлик қилаётган "Карат проект" лойиҳа ташкилоти ҳақида қандай маълумот бера оласиз?**

– "Карат проект" – қурилиш учун лойиҳалар ишлаб чиқувчи компания бўлиб, 2017 йилдан буён турли лойиҳалар устида биргаликда иш олиб боряпмиз. Хусусан, Ислом цивилизацияси маркази лойиҳасини яратишда 9 нафар архитектор қатнашди. Бундан ташқари, муҳандислар, конструктор ва инженерлар ҳам қизғин фаолият олиб бормоқда.

**– Ислом цивилизацияси маркази лойиҳасининг яратилиши, албатта, барчани бирдек қизиқтирса керак. Шу сабабли марказ лойиҳаси устида ишланган вақтларни ёдга олсангиз...**

– Марказ бевосита Президентимиз ташаббуси ва тавсияларига кўра, 2017 йилда ташкил этилган. Бу марказни қуришдан асосий мақсад, юртбошимиз таъкидлаганидек, ислом маърифатини ўрганиш, буюк аждодларимизнинг бой меросини халқимизга, дунё ҳамжамиятига етказиш ва давом эттиришдир. Юртимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Ҳафз Кабир каби улуғ алломалар исломнинг асл моҳиятини бутун дунёга ёйган. Ислом цивилизацияси марказида аждодларимиз мероси, таълимотлари ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин бўлади. Марказнинг асосий ғояси улуғ алломаларимизнинг ислом ривожига қўшган улкан ҳиссасини тарғиб этиш, тарихимиз, маънавий меросимизга дунё эътиборини қаратишдир. Унинг концепциясида улуғ алломаларимизнинг меросини халқимиз, айниқса, ёшларга етказиш ғояси чуқур ифодаланган. Бино тарҳи шундай чизилганки, бир зални кўрмасдан бошқасига ўтиб бўлмайди. Энг охирида, юқори қаватдаги Усмон Қуръони турган залда таралаётган нур рамзий маънода бу ерда олинган барча таассуротларни жамлаб, зиёга айлантиради. Аслида ҳам мақсад марказни зиё таратувчи, ёшларни илм-маърифатга ундовчи қутлуғ масканга айлантиришдир.

**– Марказ биноси лойиҳасига кўра, у ерда қандай муассасалар жойлашади?**

– Президентимиз тавсияларига асосан, марказ биноси замонавий архитектура меъёрлари асосида тайёрланган пухта лойиҳа бўйича қурилмоқда. Унга кўра, бино пештоқи Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси пештоқига ўхшаб, юқори қисми гумбазли қилиб қурилади. Уч қаватли бино лойиҳасидан кутубхона, қоғоз ва ёзув тарихи, аждодларимизнинг ислом дини, илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси, санъат, таълим, шаҳарсозлик ва меъморлик, анъана ва урф-одатлар, Усмон Қуръони каби заллар ўрин олган.

Мажмуанинг умумий ер майдони 9,1 гектар, қурилиш майдони 1,8 гектар, иморатнинг умумий майдони эса 42 666 квадарат метрни ташкил қилади. Бино узунлиги 160, эни 115 метр бўлиб, тўрт томондан кириш эшиклари мавжуд. Бу тўрт пештоқ ўз номи ва мазмун-моҳиятига кўра, турлича шаклда яратилиши режалаштирилган. Бино носимметрик композицияга эга бўлиб, унинг марказида баландлиги 63 метрли гумбаз қурилган. Гумбаз остидаги махсус залга Усмон Мусҳафи нусхаларидан бири жойлаштирилади. Марказга ташриф буюрувчиларнинг катта қисми учун кириш жойи ер остки қаватидан бошланади.

Киришдаги деворлар ўзбек заминининг тарихий мавзулардаги асарлари билан безатилиб, материалларни узатувчи видеодеворлар билан жиҳозланади. Ер ости қисмида (подвал) экспонатлар ва китобларни қайта тиклаш учун ишлаб чиқариш бинолари ва музей омборлари ҳам жойлаштирилади. Бинонинг жануби-ғарбий бурчагида музей ва кутубхона маъмурияти учун бинолар, мини босмахона ҳамда электр бошқарув хонаси бўлади. Экспозиция майдонининг ҳар бири 1 466 м$^2$ бўлган тўртта залдан ва Усмон Қуръони жойлашган марказий зал – 1 638 м$^2$ дан иборат. Шунингдек, кутубхоналар, Ислом академияси, 500 ўринли анжуманлар зали қулай ўриндиқлар, қулоқчин ва микрофонлар билан жиҳозланади. Залнинг чап ва ўнг томонларида таржимонлар учун мўлжалланган жойлар бўлиб, видеоматериаллар эфирга узатилади.

Марказнинг иккинчи қаватида, 175 ўринли кутубхона, 624 ўринли Ислом академияси, 132 ўринли анжуманлар зали, ошхона, илмий бўлим ва маъмурият жойлашади. Шимол томондаги асосий кириш эшигининг ўнг қисмида бутун фасад бўйлаб Ислом академияси талабалари учун замонавий жиҳозланган аудиториялар қурилади.

**– Бино қурилиши ва унинг безак ишларида қандай материаллардан фойдаланилмоқда?**

– Бинони қуришда асосан маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланилмоқда. Унинг ташқи безак ишлари учун асосан гранит, оҳактош ва бадиий керамика ишлатилади. Мажмуа гумбазини ёпиш учун юртимиз иқлимига мос, иссиқ ва совуққа чидамли стеклопластик карбон (шиша толали) ишлатилган. Бинонинг ички қисмини безашда эса мармар, майолика, рангли мармар, ёғоч, металл ва ганч ишларидан фойдаланиляпти. Марказ қиёфаси Ҳазрати Имом мажмуасининг узвий давоми сифатида унга ҳамоҳанг тарзда яратилган.

**– Қурилиш жараёнида кимлар ва қайси ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боriляпти?**

– Мазкур архитектура иншоотига нафақат ўзбек мутахассислари, балки дунёга машҳур қурилиш компаниялари ва фирмалари ҳам жалб этилган. Хусусан, Франциянинг «Wilmotte & Associates» компанияси ва Россиянинг "М.К.3" МЧЖ мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб боряпти. Марказ биноси кўп мақсадли бўлиб, бу ерда олимлар изланишлар олиб боради, турли кўргазмалар ташкил қилинади. Фанлар академияси бўлими ҳам жойлашади. Уларни алоҳида-алоҳида ва бир-бирига мослаштириб лойиҳалаш зиммамизда. Шу боис, марказ биноси қурилиши ва бўлимларини безаш юзасидан 100 дан ортиқ олим, тарихчи, археолог, меъморлар, диний муассаса ходимлари ва рассомлар фикрлари билан ўртоқлашдик. Қолаверса, "Ўзоғирсаноатлойиҳа" ва "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" институтлари билан ҳам ҳамкорликда кўпгина лойиҳаларни амалга оширяпмиз

**Гарчанд, қурилиши ҳали тугалланмаган бўлса-да, мажмуа ҳозирданоқ нафақат юртимиз, балки хорижликларнинг ҳам диққат-эътиборида. Қурилиш жараёнида лойиҳага бирор ўзгартириш киритилдими?**

**–** Ислом цвилизацияси марказини яратиш ташаббуси тўлиқ юртбошимизга тегишли. Лойиҳа яратилишидан тортиб қурилиш жараёнида ҳам Президентимиз бир неча маротаба келиб, янги-янги тавсиялар берди. Ишларнинг бориши билан танишиб, ҳар бир чизмани синчиклаб кўриб, керакли маслаҳатларини аямаяпти. Хусусан, Ислом академиясини қуриш таклифи ҳам иш жараёнида айтилди. Шунингдек, залларни қандай безаш кераклиги, музейдан ўрин оладиган экспонатлар ҳақида, Қуръон залининг жиҳозланиши бўйича муҳим кўрсатмаларни олдик. Умуман, марказ архитектураси, унинг маънавий мазмунини яратишда юртбошимизнинг ҳиссаси катта.

**– Ислом цивилизацияси марказидан ташқари, айни пайтда, Имом ал-Бухорий ва Мотурудий мажмуалари қурилишига ҳам бош меъморлик қилаяпсиз, деб эшитгандик. Бу иншоотларда қандай янгиланишлар кутилмоқда?**

– Имом ал-Бухорий мажмуасида ҳам катта ўзгаришлар бўлади. Мажмуанинг асосий тузилишини сақлаган ҳолда қайтадан қуриш ва реконструкция қилиш натижасида янада маҳобатли кўринишга келтиришни режалаштирганмиз. Қўшимча қуриладиган бинолар эвазига мажмуа янада такомиллашади. Хусусан, 10 минг кишилик янги масжид, зиёратчилар учун меҳмонхоналар, дўконлар, ошхона, миллий меъморчилик услубида аҳоли учун турар жой бинолари қурилади. Мотурудий ёдгорлик мажмуасида олиб борилаётган қурилиш ишлари ҳам авжида. Зиёратгоҳ замонавий туристик мажмуа сифатида қайтадан қуриб, ободонлаштирилади.

# Ташаббускор ёшлар билан учрашув

**Зуҳриддин АҲАДОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Президентимиз Бухоро вилоятига ташрифи давомида ёшлар вакиллари билан ҳам юзма-юз мулоқот қилиб, улар ўртасида ишсизликка барҳам бериш, касб-ҳунарга йўналтириш, тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш, илм-фан йўналишида ёш истеъдодларга муносиб шароитлар яратиб беришга доир кўрсатмалар берганди.**

Хусусан, Бухоро шаҳридаги давлат хизматлари маркази ва ундаги IT-Parkдаги учрашувда ўқувчилар, фрилансер ва дастурчилар учун зарур шароит яратилгани, бу ерда ёш иқтидор эгалари, веб-дизайнер, профессионаллар йиғилгани эътироф этилгани ҳолда Президентимиз томонидан бухоролик ёшларнинг салоҳияти юксак баҳоланиб, бу соҳа мамлакатимиз тараққиёти учун жуда муҳим экани таъкидланди.

Айтиш мумкинки, "Monday Labs" корхонасига асос солган 25 ёшли Саидравшан Шокиров, халқаро IT компаниялар билан ишлаётган дастурчи Шаҳрулло Тўхсанов ва бошқа истеъдодли ёшлар мамлакатимиз раҳбари назарига тушди. Долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ёш дастурчиларга буюртма бериш, маблағ, энергия ресурслари, вақтни тежовчи дастурий маҳсулотлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди. Эътиборлиси, айни пайтда IT-Park учун вилоят маркази – "Bukhara City" мажмуасида 9 ва 12 қаватли замонавий бинолар қурилмоқда. Мажмуада ёшлар учун коворкинг маркази, офис ва музокара заллари, меҳмонхона, ресторан, спорт заллари муҳайё қилинади. У ерда 700 дан зиёд иш ўрни яратилади.

Вилоят ҳокимлигида ана шундай ёшлар етакчилари, ўз лойиҳалари, тадбиркорлик ташаббусларига эга бўлган йигит-қизларнинг вилоят ҳокими Ботир Зарипов билан бевосита мулоқотга киришгани ҳам юқорида таъкидланганидек, навқирон авлодга бўлган хайриҳоҳлик, уларнинг эртасига рағбат кўрсатишдан иборат. Муҳокамада вилоятдаги олий таълим даргоҳлари ректорлари, тегишли бошқарма ва ташкилотларнинг мутасаддилари, ОАВ вакиллари қатнашди.

– Сир эмас, юртимизда юрак қон-томир касалликлари ҳам "ёшармоқда" ва бу ҳолат тор доирадаги, кучли билимга эга тиббиёт мутахассисларига бўлган талаб-эҳтиёжни янада оширмоқда, – деди Бухоро давлат тиббиёт институтининг 5-курс талабаси Файзулло Раҳматов. – Шу боис, институтимиз битирувчиларини тиббиёти ривожланган чет эл давлатларида таҳсил олиб, юқори малакага эга бўлишлари учун хорижий олий таълим даргоҳлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш тарафдориман. Токи, бу келгусида ўз дардига даво излаган фуқароларимизнинг чет элда сарсон бўлишларининг олдини олади.

– Республикамизда "Эл-юрт умиди" давлат фонди ҳисобидан ҳар йили айнан битирувчи талабалардан сараланган аълочиларнинг чет элларда 3 ой муддатда ўқиб, малака оширишлари учун лойиҳа амалга оширилган, – деди Бухоро давлат тиббиёт институти ректори Шуҳрат Тешаев. – Бундан ташқари, Россия Федерацияси ҳамда Германиянинг хос олий таълим даргоҳлари билан талабаларимизнинг давлат грантлари асосида магистратура босқичини чет элда ўташига доир шартномаларимиз бор. Аммо ўтган йилги пандемия муносабати билан бу иш амалга ошмай қолди. Вилоят ҳокимининг топшириғига мувофиқ, тиббиёт йўналишида таҳсил олаётган аълочи ёшларни саралаш ва уларнинг хорижда малака оширишлари учун шароит яратиб бериладиган бўлди. Худди шундай, Бухорода чет эл сармояси асосида хусусий клиника очиш, Когон туманида бўш ва қаровсиз ётган ер майдонини обод қилиб, аҳоли ва ёшлар шуғулланишлари учун спорт иншоотларини қуриш, ишсиз ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш мақсадида алоҳида цехлар ташкил қилиш, IT йўналишида дастурчи, веб-дизайнер ва бошқа соҳаларга ихтисослашган академияга асос солиш, қолаверса, санъатда шашмақом юрти бўлмиш Бухорода алоҳида илмий марказ очишга доир ташаббус ва лойиҳалар ўртага ташланиб, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу борада мутасаддилар зиммасига вазифалар юкланди.

## Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

**Февраль ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган**

Андижон вилояти қурилиш бош бошқармаси Олтинкўл тумани қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Санжарбек Нoралиев**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бўлим бошлиғи **Абдуманноб Туйчиев**,

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш бўйича бош мутахассис **Алижон Толибов**, ҳайдовчи **Аҳмад Зойиров**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ҚМИ бўлими бош инспектори **Ҳаким Раҳимов**,

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Қашқадарё вилояти филиали бош мутахассиси **Наталья Жарких**,

Навоий вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси хўжалик мудири **Умиджон Порманов**,

Наманган вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси комплаенс назоратчиси **Баҳромжон Ибрагимов**,

Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси бош ҳисобчиси **Дилдор Аломуродова**, Қўшработ тумани қурилиш бўлими бош мутахассиси **Жамолитдин Абдиев**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Самарқанд вилояти филиали бош мутахассиси **Анна Владикина**, ҳайдовчи **Чингиз Хўжақулов**,

Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси бош ҳисобчи в.в.б **Азиз Метанов**, Чиноз тумани қурилиш бўлими бошлиғи – бош архитектор **Султон Кўчқоров**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош мутахассиси **Баҳром Умаралиев**,

Тошкент шаҳар қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош бухгалтери **Хабулло Салимов**,

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят бош архитектори **Ойбек Агабулаев**, Гурлан тумани қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Алишер Рахимбоев**ларни чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Райҳон Таниқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-243.
2660 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – Д. Жалолов.
**Навбатчи** – Р. Хўжаева.
ЎзА якуни – 22.50. Топширилди – 23.30. 1 2 3 4 5 6